

## ЎСМИРЛАР ТАРБИЯСИГА БЕФАРҚ ҚАРОВЧИ ОТА-ОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК РЕАБИЛИТАЦИЯСИ

Имомқулова Фотима Улуғбековна, ўқитувчи  
Жиззах давлат педагогика университети

[fotimaimomqulova993@gmail.com](mailto:fotimaimomqulova993@gmail.com)

**Аннотация:** Оила – инсониятнинг илоҳий ва мўжизавий кашфиёти. Жаҳонда оила қурмай яшайдиган халқ ёки элатнинг ўзи йўқ. Қайга борманг, оилага қайтиб келасиз, ким бўлманг – оила аъзосисиз. Оиланинг миллий руҳи – халқнинг миллий руҳиятини белгилайди. Шу маънода оила жамиятининг ҳар бир аъзосида миллий психологияни шакллантирувчи муқаддас ижтимоий институтидир.

**Калит сўз:** оила, тарбия, психологик реабилитация, амалиёт.

**Аннотация:** Семья-божественное и чудесное открытие человечества. В мире нет народа или самой нации, которая живет без семьи. Не уходи в грусть, ты вернешься в семью, кем бы ты ни был – членом семьи. Национальный дух семьи-определяет национальный дух народа. В этом смысле национальная психология в каждом члене семейного общества.

**Ключевое слово:** семья. воспитание. психологическая реабилитация. практика.

**Abstract:** The family is a divine and miraculous discovery of humanity. There is no nation or nation in the world that lives without a family. Do not go into sadness, you will return to the family, no matter who you are – a member of the family. The national spirit of the family determines the national spirit of the people. In this sense, national psychology is in every member of family society.

**Keyword:** family. education. psychological rehabilitation. practice.

Оила жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва демографик ривожланишига пойдевор бўладиган асосий ижтимоий институт бўлиб, мамлакатимизда оиланинг мавқеи юқори. Оила муҳити қанчалик соғлом бўлса, жамият ҳам, Ватан эрки ва истиқболи ҳам шунчалик соғлом ва шарафли бўлади. Зеро, бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамият ва ҳуқуқий давлатни яратишнинг муҳим шартларидан бири, ҳар жихатдан соғлом, мустақил фикрловчи, маънавияти юксак янги авлодни тарбиялашдан иборат. Бу ўринда ота-она ўз фарзанди тимсолида эзгу орзу-ниятларни юзага чиқишини тасаввур қилади. Оила авлодлар занжирини боғловчи олтин ҳалқа бўлиб, наинки “эр-хотин” лик вазифаларини тартибга солиш, балки насл қолдириш эҳтиёжи туфайли юзга келган ижтимоий-биологик ҳодиса ҳисобланади.

Оилада фарзанднинг дунёга келиши эр-хотин муносабатларини уйғунлаштирувчи илоҳий неъматдир. Қиз фарзандни узатаётганда “Илоҳим борган жойингда бахтингни топ, жуфтинг билан қўша қариб, ували-жували бўлгин” деб дуога қўл очишади. Соғлом фарзанднинг дунёга келиши эса соғлом қиз тарбияси билан боғлиқ.

Оилавий тарбияда онанинг хулқ-атвори қизга кўчади. Шунга мувофик доно халқимиз “ Онасини кўриб қизини ол”, дейишади. Қиз бола тарбиясида унинг маънавий сифатларини ташкил этувчи асосий белгилар: ҳаё, ифбат, одоб, оқиллик, сарамжон-сарашталиқ, ибодат, камтарлик ва нафосатлиқдан иборат. Ўғил бола тарбиясида жасурлик, мардлик, иродалиқ, ватанпарварлик, ғайрат ва шижоатли бўлишлиқ каби сифатлар алоҳида касб этади.

Юқорида таъкидланганидек соғлом насл тарбиясида қиз боланинг алоҳида ўрнини қайд этиш лозим. Айниқса қиз боланинг руҳан, жисмонан ва маънан соғлом бўлиб улғайишида оила, мактаб ва маҳалланинг ўзаро ҳамкорлиги, яъни олиб борилаётган тарбиявий ишлар самарадорлиги ўта муҳим. Қиз болани ўстириш, уни вояга етказиш, тарбия бериш, касб-ҳунарли қилиш ўз-ўзидан бўлмайди. Қиз болани кузатувчи кўзлар кўп. Унинг ақл-заковати, қадди-қомати, хулқи, оилавий ҳаётга қай даражада тайёрлиги суриштирилади. Қиз болага баҳо беришдан аввал унинг ота-оанасига баҳо берилади. Узоқ-узоқлардан “фалон шаҳар ёки қишлоқнинг фалон маҳалласида бир қиз бор экан” деб бошлашади, ўзаро суҳбатлар чоғида. Гап асносида “кийимлари ҳам ўзига яришиқли, одми, ўзига мос”, деб қистириб ҳам ўтишади. Бу ўринда янгалар ва кўни-кўшниларнинг фикрлари кўпроқ аҳамиятли бўлиб чиқади. Чунки қиз болани қандай тарбия топганлигини баҳоловчи асосий экспертлар шулар. Яъни янгалар, кўшнилар дугоналар ва қариндошлар ҳамда жумладан тарбия муассасасининг ходимлари бўлишади. Шунинг учун қиз болани иши нозик. Оллоҳнинг ўзи асрасин дейлик. Биронта ортиқча сўз билан қиз болани айбсиз айибдор бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу ўринда, қиз бола тарбиясида асосий юк, яъни масъулият она зиммасида бўлади. Тарбияли, эътиборли, меҳнатсевар она ҳамиша қизларини ўзи каби бўлишини истайди ва бор билим ва тажрибасини қиз бола тарбиясини тўқис, беками кўст бўлишига сарфлайди. Бу ўринда албатта отанинг, қариндош-уруғ, маҳалла, тарбия муассасаларининг ҳам алоҳида ўрни борлигини қайт этиш лозим бўлади.

Оиланинг барқарорлиги жамиятнинг барқарорлигини белгилайди. Оллоҳ одамзотни (жумладан, табиатдаги барча ҳайвоноту ўсимликлар оламини ҳам) икки жинс эркак ва аёлдан иборат қилиб, ҳар бирига ўзига хос ва мос вазифа тақсимлаб берган. Оиланинг бутун бўлиш айнан эр-хотиннинг ўзаро муносабат тарбиясига киришуви билан боғлиқ эканлиги бир оз бўлсада қайд этиб ўтдик. Бу ўринда эътиборли жиҳат шундаки, муносабат – бу мувозанат дегани. Мувозанат табиатидаги уйғунлик қонуниятидан бошланиб, бозордаги тарозидан тортиб оила, шахслараро муносабат жараёнида, ишлаб чиқаришда, давлатлараро бўладиган сийосий, иқтисодий, маданий ва бошқа ҳамкорлик муносабатларида кузатилади. Эътибор беринг! Табиатдаги муносабат қонуният кўринишида оилавий муносабат билан, сўнг жамиятда, мамлакатлараро муносабат даражасида акс этиб, ривожланиб, такомиллашиб боришини таҳлил этиш мумкин

Маълумки, БМТ томонидан 1959 йилда қабул қилган “Бола ҳуқулари декларацияси” алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу декларацияда “Инсоният ўзида

мавжуд бўлган энг яхши нарсаларнинг барчасини болаларга беришга мажбур” лиги уқтирилган. БМТ Бош Ассамблеяси ушбу ҳужжатдаги қоидаларни ижодий ривожлантириб, 1989 йилнинг 20 ноябрида “Бола ҳуқукдари тўғрисида конвенция” қабул қилди. Ушбу конвенция 1990 йилнинг 2 сентябридан кучга кирди ва жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари томонидан ратификация қилинди. Ўзбекистон Республикаси ҳам бу конвенцияни 1992 йилнинг 9 декабрида ратификация қилди.

Махсус мактаб ўқувчилари билан ўтказилган суҳбатларимиз, уларнинг оилалари билан бўлган учрашув таассуротлари шуни кўрсатдики, болаларни мактабдан ва коллеждан безиб, педагогик қаровсиз холига тушиб қолишига, асосан ота-оналар сабабчи бўлишган. Суҳбат жараёнида шу нарсалар маълум бўлдики, коллеждаги болаларнинг 70 фоиздан ортиғи ота-онасини бир-бири билан келиша олмаганлиги, оилада носоғлом муҳитнинг ҳуқумронлик қилиши, онасига қўшиб фарзандларини ҳам тахкирланиши, ичкилик, оталарни муқим иш фаолиятининг йўқлиги боис кўпроқ бекорчи бўлиб қолиши, оиладаги етишмивчиликлар, боланинг руҳиятига ўз таъсирини кўрсатган. Натижада болалар ўз уйларидан безиб, қаровсиз холига тушиб қолишган. Ота-онанинг ажралиб кетиши нотўлиқ оилани вужудга келтирган.

Оилада меҳр топмай қаровсиз қолган бола озгина бўлсада ўзига бўлган эътиборни атроф- муҳитдан қидира бошлайди. Айнан мана шу шароитда аксарият болалар салбий муҳит таъсирига тушиб қолишади. Бола дастлаб чекишга, сўнг ичишга жалб этилади. Шу икки нарсага бўлган мойилликнинг шаклланиши дастлаб болани ўғрилиқ қилишга ва бошқа шу каби жиноятлар содир этишида туртки бўлади.

Ота-оналар билан ўтказилган суҳбатлардан ташқари, яқка тартибдаги суҳбатлар, ота-оналар ўртасидаги педагогик-психологик билимларни тарғиб этишда қуйидаги хулосаларга келинди.

<b>Т/р</b>	<b>Ўсмир фаолиятига оид хусусият</b>	<b>Фоиш</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3 %</b>
<b>1.</b>	Тенгқурлари ва атроф-муҳитга нисбатан танқидий қараш	36 %
<b>2.</b>	Воқеа ходисаларга нисбатан бефарқ бўлмаслик	39 %
<b>3.</b>	Ўзининг ички (ёки потенциали) имкониятларини кўрсатишга интилиш	43 %
<b>4.</b>	Ўз қилмишига танқидий муносабатда бўлиш	45 %
<b>5.</b>	Ота-онасига гап қайтармасдан буюрилган ишларни бажариши	53 %
<b>6.</b>	Жамоат топшириқларини бажариш	54 %
<b>7.</b>	Дарсларда фаол иштирок этишга интилиши	57 %

Аксарият хорижий давлатлар тажрибасига (Россия, Германия, АКШ) назар ташлайдиган бўлсак, қаровсизлик оқибатида тарбияси оғир болалар яқка тартибда ўрганилиб, уларни қайта тарбиялаш биринчи галда ҳуқ-атворини тузатиш масаласига эътибор беришдан бошланади. Вояга

етмаганларни оилавий можоролардан норизо бўлиб, таълим -тарбиядан бешиб, қаровсиз ҳолда билиб-билмай жиноятга қўл уриши, ҳаёт нима эканлигини англаб етмасдан туриб, махсус калониялар ёки махсус коллежларга тушиб қолиши жуда ачинарли ҳолдир. Чунки бола чекланган, тор доирадаги муҳитни кўриб шу муҳит тарбияси ва ички тартиб-қоидаларига мослашишга мажбур бўлади.

### **ФҲЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР**

- 1.Ваҳобова Д. Ўсмир ҳулқида учрайдиган агрессив хатти-ҳаракатлар шаклланишига ижтимоий муҳитнинг таъсири // Халқ таълими. 2011 й. №4. Б. 120-122. 2.
- “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни// Қалқон. 2010. №10. Б. 2-13
3. Imomqulova, F. (2022). ОТА-ОНАЛАР ВА FАRZАNDЛАR О’RTASIDAGI О’ZARO MUNOSABATLAR XUSUSIYATLARI. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/6420>.
- 4.Каршибаева Г. А., Юлдашева Г. Б. Конфликт как одно из значимых явлений психической жизни человека //Новости образования: исследование в XXI веке. 2022. Т. 1. №. 4. С. 459-464.
5. Қаршибоева Г.А. Ўсмирларнинг ҳулқ-атворидаги ўзгаришнинг ижтимоий психологик жихатлари //Журнал Педагогика и психологии в современном образовании. 2022. Т. 2. №. 4.
6. Қаршибоева Г.А. Ўқувчиларда касбий установкаларнинг шаклланишининг психологик жихатлари //Журнал Педагогика и психологии в современном образовании. 2022.Т. 2. №. 4.
- 7.Abduqodirovna G. Q., Burxonovich A. S., O'skanov son Abdurashid M. Negative Socio-Psychological Factors Influencing the Personality of a Teenager //International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences. 2021. Т. 1. №. 7. С. 54-59.
- 8.Karshibayeva G. Диагностика суицидального поведения у подростков //Вестник интегративной психологии. 2021. №. 22.С. 84-89.
9. Karshibayeva, G Diagnosis of suicidal behavior in adolescents. International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer Reviewed Open Access International Journal.// Vol 10 Issue03, March 2021 501-505 p.
10. Karshibayeva, G. The importance of motivation to avoid failure in achieving the success of young football players. PSYCHOLOGY AND EDUCATION (2021) 58(2)
- 11.Karshibayeva, G.Innovations in Applied Sciences | SSN 2792-3983 (online), Published under Volume: 1 Issue: 7 in December-2021
- 12.Karshibayeva, G. Negative Socio-Psychological Factors Influencing the Personality of a Teenager. International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences | SSN 2792-3983 (online), Published under Volume: 1 Issue: 7 in December-2021
- 13.Каршибаева Г. А., Ибайдуллаева У.Р.Оила психологияси.Ўқув қўлланма.

“Баёз” нашриёти. Тошкент.2022 й.

14. Каршибаева Г. А., Абдурасулов Р.А.Психологик маслаҳат. Ўқув қўлланма.

“Баёз” нашриёти. Тошкент.2022 й.

15.Каршибаева Г. А.Ўсмирларда суицидал хулқни пайдо бўлишида ижтимоий функциялар бузилишининг психологик ҳолатлари. Psixologiya ilmiy jurnali/ Вухоро. №4, 2020 101-104 бб

16.Абдурасулов, Р. А., & Каршибоева, Г. АПсихологик тренинг асослари. Ўқув қўлланма.“Баёз” нашриёти. Тошкент–2019 йил.